


УСТОЗ СИЙРАТИ

(Адабиёт – инсонни калиф қилиш. Муаллим, адабиётшунос Талъат Солиҳовни хотирлаб / Тўплам. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 136 б. китобига тақриз)



Одатда, бирор китоб ёки асарга тақриз ёзилганда, асосий эътибор асарнинг ўзига қаратилади, унга баҳо берилади. Тасодифан кўлимга олган “Адабиёт – инсонни тушуниш демакдир” номли китобнинг муқовасини кўрдиму, кўпдан бери йўқотиб қўйиб, қидириб юрган қимматли нарсани топиб олгандек қувониб кетдим. Китоб адабиёт соҳасининг билимдони, филология фанлари номзоди, марҳум Талъат Солиҳов ҳақида эди. Уни эгасидан (аслида, унга ҳам муаллифлардан бири тухфа қилган экан) бир кунда ўқиб, қайтариб бериш шарти билан олдим. Шу куннинг ўзида, ҳамма ишимни четга суриб, мутолаага киришдим. Кўз олдимда Талъат

Солиҳовнинг содда, камтарин сиймоси гавдалангандек, қулоғимга унинг унча баланд бўлмаган, сокин овози эшитилгандек бўлди. Тўғриси айтсам, ўтган йиллар давомида у кишининг ёзган бирор-бир мақоласини ўқимагандим. Қувонганимнинг боиси ҳам шундандир, балки.

Университетда сабоқ берган устозлар ҳақида ўйлаганда, хаёл беихтиёр талабалик даврларига олиб кетади. ТошДУнинг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетида 80-йиллар охири 90-йилларнинг бошида, мамлакатда айни сиёсий жараёнлар қизиган пайтда таҳсил олганмиз. Ўша йиллари жаҳон ва ўзбек адабиёти, таржима назарияси фанларидан Шариф Юсупов, Нажмиддин Комилов, Тилак Жўра, Талъат Солиҳов сингари устозларнинг қизиқарли сабоқларидан баҳраманд бўлганмиз. Уларнинг маърузаларидан улкан билим захираси билан бирга, жуда катта маънавий қониқиш олганмиз. Бу устозлар орасида, айниқса, Талъат Солиҳовнинг ўрни алоҳида эди. Устоз бир қарашда одмигина, кўримсиз кийиниши, сокин табиатли, атрофдагиларга нисбатан бефарқ, доимо ўзининг ўй-хаёллари билан машғул бўлиб юрадиган киши сифатида тасаввур уйғотарди. Талабаларни кўпроқ бу инсоннинг сийрати ўзига тортарди. Чунки Талъат Солиҳов адабиётнинг жуда катта билимдони, таъбир жоиз бўлса, бутун онгли ҳаётини жаҳон ва миллий адабиётни ўрганишга бағишлаган фидойи устоз сифатида

талабаларнинг ҳурмати қозонганди. Бизга XX аср жаҳон адабиёти фанидан дарс берган.

Университет ўқитувчиси илк бор сабоқхонага кирганда, ўзи ўтадиган фандан талабалар ўқиб-ўрганишлари керак бўлган зарурий адабиётлар рўйхатини тақдим қилади. Талъат Солиҳов ҳам маърузаларининг бошида талабалар йил давомида ўқишлари лозим бўлган чет эл ёзувчиларнинг асарларини номма-ном айтиб, ёздирарди. Дарснинг сўнггида эса “имтиҳонга шулардан бирини яхшилаб ўқиб, топширсангиз етади” деб кўшиб кўярди. Бу гап дарсларга унчалик ҳуши йўқлар учун айтилган муддао бўларди. Аммо адабиётга қизиққан талабаларнинг аксарияти маърузачи айтган асарларни имкон қадар топиб ўқишга ҳаракат қиларди. Бунинг бир неча сабаблари бор эди. Биринчидан, Талъат Солиҳов талабалар қалбида жаҳон адабиётига алоҳида эътибор, меҳр уйғота олганди. Иккинчидан, дарсларда берган маълумотлар, қимматли фикрлар, ўзига хос ёндашувларни талабалар ҳеч қайси китобдан топа олмасдилар. Айрим талабалар учун хориж ёзувчиларининг асарларини ўзбекчада ўқиб тушуниш ўзи қийин эди. Университет кутубхонасида ўзбек тилига таржима қилинган хориж ёзувчиларнинг асарлари кам бўлиб, борлари ҳам филология ва журналистика факультети талабалари ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетарди. Чет эл адабиёти ҳақида энг кўп маълумотни эса домланинг ўзи берарди. Учинчидан, Талъат Солиҳовнинг ўзига хос методикаси бор эди. У ҳеч қачон дарсларида талабаларга қандайдир талаблар қўймасди, ҳатто йўқлама ҳам қилмасди. Шунга қарамай, аксарият талабалар Талъат Солиҳов дарсларини қолдирмасликка интиларди. Ҳатто домланинг бизнинг факультетдаги маърузаларига пайтини пойлаб, ўзбек филологияси факультети талабалари ҳам кириб ўтиришарди.

Талъат Солиҳов маърузаларда дарс ўтаётган ўқитувчидан кўра кўпроқ, ўзи билан ўзи гаплашаётган, олам ва одам ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини англашга интилаётган, ҳикоя қилаётган ёзувчи асарининг қаҳрамонлари билан бирга яшаган, улар ҳаётини ўз кўзи билан кўрган одамдек тасвур уйғотарди. Айниқса, адабиётнинг вазифаси, турли даврларда унга бўлган муносабат, ёзувчилар шахси, уларнинг асарларида илгари сурилган ғояларга нисбатан ҳеч жойда айтилмаган фикрларни маърузаларда эшитганмиз. Домланинг фикрлари, қарашлари талабаларни ҳайратга соларди. Бошқа сабоқдошларига нисбатан адабиётни яхшироқ тушунадиган, машқлари билан матбуотда кўриниб қолган ижодкор талабалар баҳсга киришмоқчи бўлиб савол берганида, домла фикрини босиқлик билан, изоҳга ҳожат қолдирмайдиган даражада асосли тушунтириб берарди. Талъат Солиҳов биз

учун адабиётдан қанча ўргатса ҳам билимлари тугамайдиган ноёб хазинага ўхшарди. Университетни тугатиш арафасида, давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўраётган кунларнинг бирида биз ўша хазина эгасини йўқотиб кўйдик. Талъат Солиҳовнинг вафот этганлиги ҳақида машъум хабар сабоқдошларни қалқитиб юборди. Йигитлар устознинг яқинлари, ҳамкасблари билан бирга сўнгги манзилга кузитишди. Шундай бўлса ҳам ҳеч ким устознинг оламдан ўтганига ишонгиси келмасди. Унинг ўлими ҳам ўзи каби сирли эди.

Йиллар ўтди. Кўпинча, курсдошлар билан учрашганда, талабалик билан боғлиқ хотиралар ёдга олинганда, албатта, Талъат Солиҳов ҳақида ҳам гапирилади. Унинг билими, ички олами, адабиёт ҳақидаги оригинал ва ҳар қандай мафкуралардан ҳоли қарашлари кўҳна ва мумтоз сўзнинг буюк қудратини нечоғлик теран англагани эътироф этилади. Афсуски, биз бу инсоннинг сабоқларидан баҳраманд бўлган сўнгги авлод эдик. Шундан кейин Талъат Солиҳов сиймоси унинг ҳамкасблари-ю, ўзи таълим берган биз каби талабалари хотирасида қолганди.

“Адабиёт – инсонни тушуниш демакдир” номли китобнинг чоп этилиши ана шу хотираларни тиклабгина қолмай, балки адабий ҳаётдаги муҳим воқеа бўлди. Бунинг учун китобни нашрга тайёрлашдек катта савобли ишга қўл урган филология фанлари доктори Хуршид Дўстмуҳаммад, филология фанлари номзоди Улуғбек Ҳамдам ҳамда Адолат Қудратовага алоҳида миннатдорчилик билдирамиз. Чунки улар ҳам (бошқалар каби) устознинг собиқ талабаси ёки мухлиси сифатида Талъат Солиҳов сиймосига ҳурмат юзасидан хотира мақоласи ёзиш билан чекланишлари мумкин эди. Аммо уларнинг ҳар бири адабиёттжонкуяри бўлганликлари учун ҳам жаҳон ва ўзбек адабиётининг ҳақиқий билимдони Талъат Солиҳов шахси ва унинг миллий адабиётимиз ривожига қўшган ҳиссасидан бошқалар ҳам, айниқса, ҳозирги авлод баҳраманд бўлишини истаб бу ишга жазм қилганлар.

Китоб (тўпловчилар тилида мўъжазгина рисола) икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда Талъат Солиҳовнинг бирга ишлаган ҳамкасблари, шогирдлари ва мухлислари хотиралари, иккинчи қисмда эса унинг матбуотда эълон қилинган суҳбатлари, маъруза-сабоқларида адабиёт ҳақида айтган қимматли фикрлари ўрин олган. Талъат Солиҳов ҳақида ким ёзмасин, у ҳамкасби бўладими, мухлиси ёки шогирдими, бундан қатъи назар, устознинг билими, дунёқараши ва адабиётга ёндашувига нисбатан чуқур ҳурмати акс этиб турибди.

Аслида, бир инсон ҳақида ёзилган хотиралар ўхшаш бўлади. Шундай ўхшашликни бу китобда ҳам кўриш мумкин. У ҳам бўлса Талъат Солиҳов

ташқи кўриниши, кийиниши, юриш-туришида кўзга ташланадиган жиҳатлари билан, яъни унинг сурати билан боғлиқ. Аммо олимнинг билими, дунёқараши, теран тафаккурини ўзида ифода этувчи сийратига муносабат билдирганда ҳар бир муаллифнинг ўз ёндашуви, турли ҳолатларни ёдга олиш орқали унинг ҳақиқатини англашга интилиш, унинг ҳақиқатига иқроп бўлиш устунлик қилади. Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров шундай ёзади: “Талъат Солиҳов ҳақиқатан бошқача одам эди. Бу дунёнинг одамига ўхшамасди. Ўзини ўтдан-чўкка уравермаса ҳам, тенгдошларидан бошқача фикрларди... Назаримда, у доим ҳаётдан ўз такрорланмас ўрнини қидираётгандек, юрагини очмас, ҳеч кимга ўз фикрини ҳуда-беҳуда айтиб хира бўлмасди. Бирок китоблардан йўл, даво, мақсад излаётгани сезиларди.”

Агар эътибор берилса, ҳозирги миллий адабиёт ва адабиётшунослик, журналистика соҳаси мутахассисларининг катта авлоди Талъат Солиҳовнинг бир-бирига ўхшамас маърузаларидан баҳраманд бўлганлар. Бу ҳақида “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири, филология фанлари номзоди Шухрат Ризаев шундай эслайди: “Агар эллик кишилик аудитория йиғилган бўлса, шулардан уч ё тўрттасигина Солиҳов маърузаларига сомеъ бўларди. Сомеъгина эмас, харидору талабгор бўлар эди. Чунки бу маърузаларда ташқи жимжимадан кўра, мавзу белгиланган ҳодисанинг моҳиятини англаш, бор ички қатламларини инкишоф этиш устувор эди. Астагина олдидаги бир-иккита столдан нарига ўтмайдиган сокин овоз билан баён этиларди бу тадқиқот-маърузалари. Жонини кулоқ қилиб эшитган одамгина бир соатлик маърузадан адабиётшуносликка оид ниҳоятда бақувват бир неча китоб ўқиб чиққандек бўларди. Нафақат бу, сомеъ тўлиқиб, ҳапқириб, ҳайратларга чўлғаниб қоларди ўша маърузалардан.”

Китобда айниқса, Талъат Солиҳов маърузаларида қайд этилган парчаларга алоҳида ўрин берилганлиги диққатга сазовордир. Уни ўқиган киши устознинг адабиёт ҳақидаги мулоҳазалари нақадар теран эканлигига, ҳозирги давр учун ҳам ниҳоятда аҳамиятли эканлигига амин бўлади. Бу парчаларнинг ҳар бири кишини ўйлашга, мушоҳада қилишга ундайди.

Бу йил университетни тамомлаганимизга йигирма беш йил тўлади. Устознинг бу оламини тарқ этганига ҳам шунча йил бўлибди. Орадан бир йигитнинг айнан кучга тўлган даврига тенг йиллар ўтди. Бу йиллар давомида Талъат Солиҳовнинг адабиёт ҳақида ҳеч жойда айтилмаган, охори тўқилмаган қарашлари, оригинал ёндашувлар фақат унинг маърузаларини тинглаган шогирдлари хотирасида сақланиб келганди. “Адабиёт –инсонни тушуниш демакдир” китобининг чоп этилиши эса шогирдларнинг устоз хотирасини абадийлаштириш, XX аср ўзбек адабиёти илмида Талъат Солиҳовдек зукко

олим, такрорланмас шахс ўтганлиги ҳақида замондошларга маълумот бериш мақсади мужассамдир. Ҳали бу хайрли ҳаракат тўхтаганича йўқ. Китобда Талъат Солиҳов маърузаларини тинглаган шогирдларига мурожаат ҳам ўрин олган бўлиб, ишонамизки, уни мутолаа қилганлар талабалик даврида устознинг маърузаларида ўзларида қайд этилган фикрлар, қарашларни тўлдиради.

Назира ТОШПЎЛАТОВА,
филология фанлари номзоди, доцент
кафедра мудири
ЎзДЖТУ

Гулсал ХУДОЙБЕРДИЕВА,
чет тиллар кафедраси
ўқитувчи

Тошкент кимё технологиялари институти.